“ТАСДИКЛАЙМАН ”

Пайарик туман хокимлиги Ободонлаштириш

Бошкармаси бошлиги

_______________ Ш.Хандамов

“______” ______________ 2022 yil

Пайарик туман хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси карашли Ал Бухорий худудига Баннер ясаб бериш ва урнатиш хизматлари буйича

# Танлов хужжатлари

БУЮРТМАЧИ: Пайарик туман хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси

**Самарканд -2022**

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ КИЙМАТИ

**1.1** Товар ва хизматларинг характеристикаси

| № | Номи | Микдори |
|---|---|---|
| 1 | 1.Баннер петать ва река билан урнатиш хизмати<br>2. Однотонный (Ок) баннер река билан урнатиш хизмати | 224 м2<br><br>672 м2 |

**1.2.** Танлов қиймати 44 800 000 (Кирк турт миллион саккиз юз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги такифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**1.3.** Маҳсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан етказиб берувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

**1.4**. Етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 8 календар кун.

**1.5.** Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

**2.1**. Пайариқ туман Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Пайариқ шаҳри Ж.Мангуберди кўчаси

**2.2.** Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

**3.1.** Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

**3.2.** Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танолов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Танлов обектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда) Низом маблағи миқдори.

**3.3.** Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

**4.1.** Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозимю

**4.2.** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар маълумотлар "БУЮРТМАЧИ" ва "иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

**4.3.** Танлов хужжатларига қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, "БУЮРТМАЧИ" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

**4.4**. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади.

- фақат битта таклиф бериш мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОГАРЛИГИ

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларини ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

**5.3**. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштьирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборат камида ўн кунга

узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2**. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюрномасига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Бош мухандис ; Ю.Расулов

Булим бошлиги ; У Мамаюсупов